


2021 йил якунига кўра Автомобиль йўллари қўмитасининг асосий фаолият кўрсаткичлари тўғрисида тахлилий МАЪЛУМОТ

Т/р	Асосий фаолият тури бўйича кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2020 йил амалда	2021 йил амалда	Ўтган йилга нисбатан(%)
	Бажарилган иш хажми, жами	млрд.сўм	4122.1	7331.9	178
	шу жумладан:				
1	Инвеститсия дастури бўйича	млрд.сўм	1189.1	1462.1	122.9
		км	105.9	125.5	118
2	Тўла таъмирлаш ишлари	млрд.сўм	415.8	447.8	108
		км	114.2	120	105
3	Минтақавий йўллари таъмирлаш	млрд.сўм	1221.2	2857	234
		км	2496.9	16565.7	663
4	Умумий фойдаланувдаги автомобил йўллари жорий таъмирлаш ва сақлаш ишлари	млрд.сўм	1359.1	2565	189
		км	2308	3072.1	169
5	Янги ишжойларини яратиш	киши	11774	824	

Қўмита тизимидагикорхона ва ташкилотлар 2021 йил давомида Инвестиция дастурига асосан умумий фойдаланишдагиавтомобиль йўлларида 1462.1 млрд. сўмлик қуриш ва реконструкция қилиш ишлари амалга оширилди. Ушбу кўрсаткич 2020 йилнинг худди шу даврига нисбатан 122.9 фоиз_{ни} ташкил этади.


Бундан ташқари тўлатаъмирлаш дастурига асосан умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларида 447.8 млрд.сўмлик таъмир ишлари бажарилди. Бу кўрсаткич эса ўтган йилга нисбатан 8 фоизга ошган.

2020-2021 йиллар якунига кўра асосий фаолият кўрсаткичларининг таққослама диаграммаси



2021 йил якуни бўйича Республикаimizдаги 16565.7 км минтақавий автомобиль йўллари таъмирланди. Шужумладан, Қорақалпоғистон Республикасида 539.9 км, Андижонда 1471.2 км, Бухорода 1071.4 км, Жиззахда 1036.9 км, Қашқадарёда 1344 км, Навоийда 744.3 км, Наманганда 1685.5 км, Самарқандда 1621.5 км, Сурхандарёда 1602 км, Сирдарёда 618.1 км, Тошкент вилоятида 11549.2 км, Фарғонада 1973 км, Хоразмда 764.1 км ҳамда Тошкентшаҳрида 544.5 км минтақавий автомобиль йўлларида таъмирлаш ишлари олиб борилди. Минтақавий ички йўллар таъмири ҳажми эса ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан 626 фоизни ташкил этади.

2021 йил якунига кўра минтақавий автомобиль йўллари таъмирлаш (худудлар кесимидаги диаграмма)



2021 йил давомида Республика бўйича автомобиль йўлларида умумий узунликдаги йўллардан 3072.1 кмдан иборат қисмида жорий таъмирлаш ишлари амалга оширилиб, уларнинг ҳолати яхшиланди. Буэса 2018 йилга қараганда 128 фоизни ташкил этади.

Тизим корхонлари томонидан 2021 йилда 824 та янги иш ўринлари яратилди.

Хулоса қилиб айтганда, Автомобиль йўллари қўмитасининг 2021 йилда – умумий бажарилган ишлар ҳажми – 7331.9 млрд. сўмдан иборат. Бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 78 фоизни ташкилётганлигини кўрсатади.